

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1089,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1089,1	107,0	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,2	76,4	0,02
нодавлат мулки	1088,9	107,0	99,98

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-мартда 212,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 175,4 фоизга ошган.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 790,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,9 фоизни ташкил қилган.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 13,7 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-мартга нисбатан 106,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 602,6 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 105,3 фоиз булиб (2017 йил январь-март ойларида 463,8 минг сўмни ташкил этган).

2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	1089,1	107,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	212,9	175,4	19,5
кичик тадбиркорлик	790,5	98,9	72,6
уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	85,7	88,3	7,9